

ИСЛОМ ДИНИДА ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР

СЕМЕЙНЫЕ ОБРЯДЫ И РАСХОДЫ В ИСЛАМЕ

FAMILY CEREMONIES AND EXPENSES IN ISLAM

Adhamjon ASHIROV,

Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Head of the Ethnology and Anthropology Center

Doctor of Historical Sciences

100060, Tashkent city, Shahrisabz street, 5th house

adhashirov@yandex.ru

DOI: 10.47980/PAU/2024/1/5

Аннотация: Мазкур мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда олиб борилган диний сиёсат, ислом дини, ижтимоий ҳаёт, миллий қадриятлар ва оилавий маросимлардаги ўзгаришлар таҳлил қилинган.

Муаллиф ўзбек оилавий маросимлари, жумладан, фарзанд туғилиши, никоҳ ва мотам маросимларда диний ва миллий қарашларнинг уйғунлашувини этнографик материаллар асосида ёритишга ҳаракат қилган. Қолаверса, ушбу туркум маросимлардаги айрим харажатлар ва исрофгарчиликларни қисқартириш борасида ислом уламолари, имомларнинг қарашларини жума маърузалари ҳамда турли ижтимоий тармоқлар мисолида ёритиб берган.

Муаллиф замонавий ўзбек жамияти, мусулмонлар жамоатчилиги фаолияти борасида олиб борган антропологик кузатувлари жараёнида ўзбек имомлари томонидан оила-никоҳ масаласида жума намози, маҳалладаги ва турли жамоавий тадбирлар, телевидениедаги турли ток-шоулар ва радио эшитиришлар, “Ақиқа” маросими, суннат тўйи, никоҳ ҳамда мотам маросимидаги “амру маъруф” мавъизалари, масжидлар ва имомлар сайтлари ёки ижтимоий тармоқлар (Telegram, Facebook, Instagram) даги саҳифаларда кенг муҳокама қилинишига эътибор қаратган. Айнан мазкур йиғишларда ислом уламолари ва имомларнинг доимий чиқишлари натижасида ўзбек халқи маросимий ҳаётида, хусусан, никоҳ маросимларида харажатлар баланси ўзгариб, келин томондан тўй учун қилинаётган харажатлар (мебель, сеп, маросим таомлари) қисқариб, куёв томон зимасига ўтаётганлиги урғу берилган. Шунингдек, ўзбек халқининг оилавий маросимларидаги ўзгаришлар ва трансформацион жараёнлар маросим иқтисодиёти нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ислам, дин, маросим, урф-одат, анъана, тўй, никоҳ, ақиқа, жума намози, имом, мавъиза, диний сиёсат, маросим, иқтисод, харажатлар, исрофгарчилик.

Аннотация: В статье анализируются произошедшие в Узбекистане, в период независимости государства, изменения в религиозной деятельности, исламе, религиозной жизни, в национальных ценностях и семейных обрядах.

На основе этнографического материала автор раскрывает сочетание религиозного и национального аспектов в семейной обрядности узбеков, в частности, на примере рождения ребенка, бракосочетания и траурных обрядов. Кроме того, раскрывает взгляды исламских ученых и имамов относительно сокращения конкретных расходов и излишеств в этих ритуалах, приводя примеры из пятничных молитв и различных социальных сетей. Посредством антропологических наблюдений за современным узбекским обществом, включая общественную деятельность мусульман, пятничные молитвы, квартальные и общественные мероприятия, а также посредством различных телевизионных ток-шоу и радиопередач, церемонии «Ақиқа», обрезание, браки и траурные ритуалы, автор обращает внимание на широту обсуждений узбекскими имамами вопросов семьи и брака. Автор освещает обсуждение тем «Амру Маруф» во время церемоний, широко обсуждаемых на сайтах мечетей, страницах имамов и социальных сетях (Telegram, Facebook, Instagram). В статье подчеркивается влияние непрерывных усилий исламских ученых и имамов, отмечаются изменения в балансе расходов в обрядовой жизни узбекского народа, особенно заметные в свадебных церемониях. Кроме того, анализируются изменения и преобразовательные процессы в узбекской семейной обрядности с точки зрения ритуальной экономики.

Ключевые слова: ислам, религия, ритуалы, обычаи, традиция, свадьба, бракосочетание, ақиқа, пятничная молитва, имам, религиозная деятельность, ритуальная экономика, расходы, расточительность.

Abstract: This article examines the changes in religious policy, Islamic beliefs, religious life, national values, and family rituals in Uzbekistan during the years of independence. Particularly, it analyzes a series of fatwas, guidelines, and theses on Friday prayer topics published by the Office of Muslims of Uzbekistan in recent years. The author substantiates the amalgamation of religious and national perspectives in Uzbek family rituals, encompassing childbirth, marriage, and mourning ceremonies, drawing on ethnographic materials such as interviews, surveys, and observations. Furthermore, it delves into the views of Islamic scholars and imams concerning the reduction of specific expenses and extravagances in these rituals. Examples from Friday prayers and various social networks are cited to support this discussion.

Through anthropological observations of modern Uzbek society, including Muslims' public activities, Friday prayers, neighborhoods, and community events, as well as through various TV talk shows and radio broadcasts, the article explores «Aqiqa» ceremonies, circumcision weddings, marriages, and mourning rituals conducted by Uzbek imams in matters of family and marriage. The author highlights the discussions of «Amru Ma'ruf» topics during ceremonies, which are widely debated on mosque websites, imams' pages, and social media platforms (Telegram, Facebook, Instagram).

The article underscores the impact of Islamic scholars' and imams' ongoing efforts, noting changes in the balance of expenses in the ceremonial life of the Uzbek people. This shift is particularly evident in marriage ceremonies, where there is a noticeable reduction in certain expenses. Moreover, it analyzes changes and transformative processes in Uzbek family rituals from the perspective of ritual economy, examining how economic factors influence the conduct of these ceremonies.

Keywords: Islam, Religion, Ritual, Custom, Tradition, Wedding, Marriage, Aqeeqah, Friday prayer, Imam, Location, Religious policy, Economy, Expenses, Extravagance.

КИРИШ

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда тўйлар мавзуси кенг муҳокама қилинмоқда. Агар тарихга назар соладиган бўлсак, бундай ҳолат яқин ўтмиш тарихимиз билан боғлиқ бўлмасдан, асрлар мобайнида кенг муҳокама қилинадиган ижтимоий масалалардан бири эканлигини кузатиш мумкин. Хусусан, XX аср бошларида жадидлар халқ оммасини миллий урф-одатларни асраб-авайлаш ҳамда маънавий-маърифий савиясини юксалтиришга чорлаб, ҳашамдор тўйлар, харажатли мотам маросимлари, тўй ва азаларни риёкорлик, дабдабозлик билан ўтказишга жиддий равишда қарши чиққан. Масалан, машҳур жадид Абдулҳамид Чўлпон “Садойи Фарғона” газетасида эълон қилган мақоласида тўйлардаги исрофгарчилик илгари бўлмагани, ушбу ҳолат сўнгги йилларнинг маҳсули эканлигини қаттиқ танқид қилган эди: Чўлпон бу ҳақда ёзар экан: “... Авваллари қандог яхши бўлса, сўнгги кунларда ва сўнгги йилларда кундан-кун орқага қараб қадам қўймоқдадур... Ул вақтларда бундог беҳуда исрофлик тўйлар ҳам бўлмас эди...” деб таъкидлаган (Чўлпон, 1914:2). Шунингдек, Туркистон жадидларининг етакчиларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудий тўйларга нисбатан шундай таъриф бериб, “Бизни кемиргувчи иллатлар деганда, захму маразмими гумон этарсиз? Ёинки, сил, сил-ар-ия ва махавликними дерсиз? Йўқ, андан ҳам ямонроқ ва андан ҳам жонхорош, бевоё, хонавайрон

ва ғариб этгувчи бир дард, биз — туркистонийларни шаҳри ва қишлоқи ёйинки ярим маданий, ярим ваҳший синфларимизгача истило этиб, бутун тирикчилигимизга сорилгон ва бизни инқирозга ва таҳликага ва жаҳаннамга юмалататургон тўй, азо исминдаги икки қаттол душманни дерман» деб ёзган эди (Маҳмудхўжа Бехбудий, 1915:338-342).

Советлар даврида коммунистик мафкура ғоялари асосида яшаган ўзбеклар ҳаётига янгича тўй-тантаналар - “қизил тўй”, “комсомол тўй”, “байналмилал никоҳ” кириб келди. Бу йилларда шаклан совет даври ғояларига асосланган анъаналар кенг тарқалганига қарамасдан, миллий ва диний анъаналар маросимий ҳаёт симбиози тарзида сақланиб қолди. Хусусан, ўғил фарзанд учун суннат тўйи ўтказиш, никоҳ ўқиш орқали янги оила қурилиши, жаноза намозини ўқиш орқали марҳумларни дафн қилиш анъаналари мафкуравий тазйиқларга қарамасдан давом этди.

УСЛУБЛАР

Мақолани ёзиш жараёнида тарих, диншунослик ва элшунослик йўналишидаги тадқиқотларда кенг оммалашган кўплаб тадқиқот услубларидан фойдаланилди. Жумладан, ўзбек халқининг оилавий маросимларни ўрганишда тизимли ва тизимли-функционал, муаммоли, динамик таҳлил, статистик-қиёсий солиштириш, хронологик усулларида фойдаланилган.

Мақолада этнографик материаллар асосан 2022–2023 йилларда Тошкент шаҳри масжидларида тўпланди. Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлар идораси Фатво марказининг Fatvo.uz телеграмм канали тадқиқот объекти сифатида ўрганилди ва ушбу каналда охириги йилларда ўтказилган савол-жавоблар билан бирга ижтимоий тармоқларда эълон қилинган мавзу доирасида материаллар ҳам социологик ва қиёсий таҳлил қилинди.

Мавзу тарихшунослиги. Ўтган юз йилликда тўйлар ва оилавий тантаналар мавзуси катта қизиқиш билан ўрганилган бўлиб, тадқиқотчилар томонидан Марказий Осиёдаги қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар ҳамда қорақалпоқлар мисолида айрим илмий изланишлар нашр қилинган (Кисляков Н., 1967:239–244; Кисляков Н., 1968:291–300; Лобачева Н.П., 1971; Сухарева О.А., 1978:192–200; Аргынбаев Х. А., 1974:69–76; Аргынбаев Х.А., 1993; Джумагулов А., 1960; Абрамзон С. М., 1968:280–286; Жуманазаров Э., 1999:50–53; Васильева Г. П., 1954:172–188; Джикиев А., 1963:152–153;

Сухарева О. А., 1928:72–79; Кисляков Н. А., 1959; Ишанкулов Х. Г., 1972; Суфиев У., 1991; Бекмуротова А. Т., 1967; Карлыбаев М.А., 2021). Шунингдек, бу даврда Ўзбекистоннинг Хоразм воҳаси, Зарафшон ва Фарғона водийларида яшовчи ўзбекларнинг оила-никоҳ маросимларига бағишланган монография, мақола ҳамда илмий тадқиқотлар бажарилган (Лобачева Н. П., 1960: 43–45; Лобачева Н.П., 1985:43; Сухарева О. А., 1940:173–176; Кубаков К., 1972:119–127; Сухарева О. А., Бикжанова М. А., 1955; Бикжанова М. А., 1959; Абдуллаев У. С., 1991). Айнан мазкур тадқиқотларнинг асосий қисми совет даври мафкураси асосида ёзилган ёки турли минтақаларида яшовчи аҳоли никоҳ тўй маросимлари тавсифини этнографик материаллар асосида тавсифлаш билан ажралиб туради. Жумладан, Н. П. Лобачеванинг 1975 йилда нашр қилинган “Янги ўзбек маросимларини шаклланиши” номли монографиясида ўзбек халқи маданиятидаги турли анъаналар билан боғлиқ этномаданий жараёнларни ёритишни мақсад қилиб олинган бўлса-да, “янги никоҳ тўйлари”– “қизил тўй”, “комсомол тўй”, “байналминал тўй”ларга алоҳида урғу бериб, тарғиб қилинган ва миллий никоҳ тўйлари билан боғлиқ маросимлар “эскилик сарқити” деб қораланган (Лобачева Н. П., 1975:45–68.). Айнан шундай фикрлар Ў. Отамирзаева, Т. Тошбоева ва М. Савуровларнинг асарлари ҳамда Республика семинар кенгашининг материаллари асосида нашр қилинган “Янги турмуш – янги анъаналар” тўпламида ҳам кузатиш мумкин (Отамирзаева У., 1988; Ташибаева Т. Х., Савуров М. Д. 1989; Янги турмуш – янги анъаналар, 1973).

Элшунос И. Жабборовнинг “Ўзбек халқи этнографияси” асарида халқимизнинг этногенези, этник тарихи, моддий ва маънавий маданияти, оилавий турмуш ҳамда ҳаёт тарзини ёритиш билан бирга, никоҳ, қалин бериш, никоҳ тўйидаги иқтисодий муносабатлар этнографик материаллар асосида тадқиқ қилинган (Жаббаров И., 1994: 54–62).

Антрополог С. Н. Абашин тадқиқотларида қалин ва маҳрнинг ўзаро фарқли жиҳатлари ҳамда оилавий маросимлар харажатлари антропологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган (Абашин С. Н., 1999: 158–164; Абашин С.Н., 1999: 87–107). Россиялик олим ушбу мавзуларни маросим иқтисодиёти билан боғлиқ кўплаб диққатга сазовор фикрлар билдирган. Лекин, муаллиф диний маконда маросим иқтисодиёти борасида бўлган баҳс-мунозараларни ёритмаган.

Япониялик тадқиқотчи Сейко Вазаки тадқиқотларида ўзбекларда оила, никоҳ ва ажралиш масаласи этнографик материаллар асосида таҳлил қилинган (Seyka Wazaki, 2019: 83 - 107).

Хуллас, никоҳ ва оила билан боғлиқ адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, ҳозирги кунга қадар диний макон, хусусан, маҳаллий уламолар ҳамда имомларнинг оилавий маросимларни ўтказиш ҳамда улардаги харажатларни қисқартириш борасидаги баҳс-мунозаралари махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон ҳам мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатда миллий ва диний ўзликни англаш хисси кучайди. Мафкуравий тутқунликдан озод бўлган юрт ўзининг ўтмиш тарихи, ўзлиги, миллий ва диний кадриятларини қайта тиклашга ҳаракат қилди. Мазкур жараёнда иқтисодий жиҳатдан кўп харажатли янги урф-одат ва маросимлар пайдо бўлди. Натижада, маросимлар оила бюджетининг асосига айланди ва одамлар йиллар давомида фарзандларини тўйлари учун “орзу-ҳавас” йўлида маблағ ҳамда қимматбаҳо буюмлар тўплаш анъанага айланди. Бошқа томондан, айнан “орзу-ҳавас” ва “ўзбекчилик” деб ким кўп харажатли маросимни ўтказиш, исрофгарчиликларга қарамасдан, жамият олдида номини чиқариш одати ҳам айрим қатламлар орасида оммалашди. Шу сабабли, мамлакатимизда тўйлар ва оилавий маросимлар билан боғлиқ қатор қарор, фармон, буйруқ ҳамда йўриқномалар эълон қилинди. Хусусан, 2019 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Республика Олий Мажлиси Сенатининг “Тўйлар, оилавий тантаналар марака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорда Республика, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, шунингдек, фуқаролар йиғинларида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака маросимлари ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссиялар тузиш белгиланди (<https://lex.uz/ru/docs/5153833>). Лекин, турли қарорлар қабул қилиниши ва комиссиялар тузилиши билан мамлакатда маросимлар, хусусан, тўй харажатлари учун қилинаётган харажатлар камайиб қолмади, балки йилдан-йилга ошиб бормокда. Шу сабабли ҳам ушбу мавзу ҳозирда

ҳам жамоатчилик эътирозига сабаб бўлиб, омма орасида кенг муҳокама қилинмоқда. Шу боис мазкур мақолада никоҳ тўйи ва бошқа оилавий маросимлардаги харажатлар борасида исломий уламолар ҳамда диний маконда ушбу мавзу борасида бўлаётган баҳс-мунозараларни илмий асосда таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

“After Secularity” ва ўзбек оилавий маросимлари. 2016 йил Ўзбекистонда давлат бошқарувида ўзгариши натижасида юртимизда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалар билан бирга диний ҳаётда ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Айниқса, сўнгги беш йилда Республика бўйича 385 та масжид тўла қайта қурилди ва 487 та масжид таъмирдан чиқарилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 15 та диний таълим муассасаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Шулардан 13 таси Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта-махсус ислом билим юртлари. Жумладан, 3 таси олий Тошкент ислом институти, Мир Араб олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби ва 10 та ўрта махсус ислом билим юртлари ҳисобланади, шундан 2 таси аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаларидир (<https://religions.uz/news/detail?id=1570>).

Кейинги йилларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан нафақат кийиниш маданияти, балки оилавий маросимларни ҳам тартибга солиш бўйича ҳам қатор фатво, йўриқнома ва жума тезислари эълон қилинди. 2018 йил 17 августда Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан жума мавъизалари тарзида имом хатиблар “Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз” мавзусида мавъиза қилиш бўйича йўриқнома эълон қилинди (<http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/zhuma-mav-izalari/item/9895-17-08-2018-j-t-jlarimiz-a-ida-jlarimiz>).

Маълумки, ислом динида исрофгарчилик қаттиқ қораланади ва ҳаром қилинган амаллар ҳисобига киради. Қуръони каримда келтирилишича, Аллоҳ исроф қилувчи бандаларини ёқтирмайди, чунки Аллоҳ берган неъматлар эзгу амалларга сарф этилиши шарт (*Қуръони карим, 2018: 283*).

Уламолар никоҳ тўй маросимларидаги ортиқча дабада, исрофгарчилик ва манманликка берилишни “миллий нуқсон”ларимиз деб танқид қилди. Бу ўринда “нима учун миллий нуқсонлар?” деган савол пайдо бўлади. Бизнингча, бунинг қатор сабаблари бўлиб, уларни миллий нуқсон тарзда баҳолаш хато бўлса керак. Айнан жамият ҳаётида “ўзбекчилик” ва “одат” институтининг юқори эканлиги, кўни-қўшнилар ҳамда турли ижтимоий қатламларнинг

ўзаро беллашуви, ота-оналарнинг фарзандлари учун кўп масъулиятни зиммасига олиши, айрим шахсларнинг манманлиги ва билимсизлиги сабаб бўлса керак.

2019 йилда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг фатвосида тўй ва маросимларни ихчамлаштириш бўйича таклиф ҳамда мулоҳазалар баён қилинди. Жумладан, идора томонидан “Республикадаги имом-хатиблари жума мавъизалари ва турли тадбирларда тўй, маърака ҳамда маросимлардаги исрофгарчилик, шухратпарастлик, манманлик ҳамда риёкорлик каби иллатларнинг моддий ва маънавий зарарлари, тежамкорлик ҳамда ўртаҳолликнинг фойдали томонлари тўғрисида асосли далиллар ва ҳаётий мисоллар билан кенг ташвиқот ишларини олиб бориши шартлиги” ҳақида кўрсатма берилди. Шуниси муҳимки, ушбу фатвода ўзбекларнинг никоҳ тўйи ва турли-туман воқеликлар билан боғлиқ тарзда ўтказадиган “келин навқари”, “чорлар”, “ота кўрди”, “сеп ёйди”, “қудда чақирди”, “қуёв чақирди”, “келин чақирди”, “тоғора юбориши”, “юз очди”, “сафар қайтарма”, “супра очди”, “кўрпа йиғди”, “қиз базми”, “саломнома”, “ҳожиси оши”, “оқлик олди”, “пахта берди”, “келин кўрди”, “хина қўйиши”, “шукроналик”, “пайғамбар оши” ва “ашуро” каби маросимлар ислом динида мавжуд эмаслигига алоҳида урғу берилган. Қолаверса, мазкур фатвода мазкур маросимлар халққа машаққат, ортиқча харажат ва исрофгарчилик манбасига айланганлиги танқид остига олинган. Бизнингча, фатвода қайд қилинган маросимлар гарчи, шариат қоидаларида акс этмаган бўлса-да, ўзбеклар томонидан миллий қадрият мақомида ўтказиш анъанага айланган. Лекин, уларнинг айримлари бугунги кунда ихчамлаштирилган тарзда бажарилган ёки маросимий ҳаётдан чиқиб кетган.

Сўнгги йилларда Республика миқёсида ислом уламолари ва имомлар жамият ҳаёти, хусусан, маҳалла, медиамакон ҳамда ижтимоий тармоқларда фаол фаолият олиб бормоқда. Улар ўз чиқишларида турли диний масалалар ечимлари билан бирга никоҳ ва мотам маросимларидаги харажатларни ҳам танқид остига олмоқда.

Хуллас, этнографик кузатувлар жараёнида ўзбек имомлари томонидан оила-никоҳ масаласида қуйидаги йиғинлар: жума намози, маҳалладаги ва турли жамоавий тадбирлар, телевидениедаги турли ток-шоулар ва радио эшиттиришлар, “Ақиқа” маросими, суннат тўйи, никоҳ ҳамда мотам маросимидаги “амру маъруф” мавъизалари, масжидлар ва имомлар сайтлари ёки ижтимоий

тармоқлар (Telegramm, Facebook, Instagram)даги саҳифаларда муҳокама қилиниши кузатилди. Бу ўринда ушбу йиғинларнинг барчасини бир мақола доирасида таҳлил қилишнинг имкони йўқлиги боис асосан, жума мавъизалари ва ижтимоий тармоқларда мавзу доирасида бўлган мунозараларга кенгрок тўхталишни жоиз деб билдик.

Жума мавъизаларида маросим харажатлари масаласи. Мусулмон юртларда бўлгани сингари ўзбеклар ҳам кўп асрлар давомида жума намозини жоме масжидларда ўқийди. Гарчи советлар даврида жума намозининг ўқилишига чеклов ўрнатилган бўлиб, асосан, катта шаҳарлардаги камсонли айрим жомелардагина ўқилган. 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг жума намозини катта қишлоқлар ва туман марказлари ҳамда шаҳарлардаги масжидларда оммавий тарзда ўқишга рухсат берилди. Лекин, коронавирус пандемияси даврида, аниқроғи, 2020 йил 16 мартдан жума намози 24 ҳафта давомида ўқилмади ва ниҳоят 2020 йил 4 сентябрдан бошлаб Республикада узлуксиз равишда жума намози ўқиб келинмоқда(<https://xabar.uz/jamiyat/juma-namozlariga-ruksat-berilmoqda>).

Исломи анъанага кўра, жума намози ўқилишидан аввал имом томонидан жамоага мавъиза қилинади. Ушбу мавъизадан кўзланган мақсад – мусулмонлар жамоасини эзгулик ва яхши амалларни бажаришга даъват этишдир. Мавъизалар турли, хусусан, исломдаги шариат масалаларидан тортиб оила, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, маданият, таълим-тарбия ва одоб доирасидаги мавзуларга бағишланади. Эътиборли томони шундаки, юртимизда жума мавъизалари марказлаштирилган ҳолда ташкил қилинади ва ҳар бир жума мавзуси Ўзбекистон мусулмонлар идораси томонидан бир кун олдин тезис сифатида тарқатилади.

Хуллас, мазкур мақолада биз 2022 йил ва 2023 йил сентябргача бўлган даврда ўқилган жума мавъизалар таҳлил қилдик. Бу даврда ўқилган жума мавъизаларида ислом динини кенг тарғиб қилиш ҳамда пайғамбарлар ҳаётига оид диний масалалардан тортиб, ислом одоби, маданияти, оила никоҳ масалаларига бағишланганлигини кузатдик. Жумладан, ўтган йилларда “Закот – молиявий ибодат” (08. 04. 2022), “Исломда аёлларга муносабат” (04. 03. 2022), “Ёшлик – умр баҳори” (18. 03. 2022), “Исломда муомала одоби” (28. 07. 2023) каби мавъизалар қилинди.

Бир сўз билан айтганда, жума мавъизаларида жамият учун муҳим деб эътироф этилган мавзуларда чиқишлар қилинади. Биз учун муҳими, оилавий

маросимларини тартиблаштириш ва харажатларни қисқартириш билан боғлиқ маърузалардир.

Юртимизда ўтган йилларда оилавий маросимлар доирасида 2020 йил 12 декабрда “Никоҳ риштаси узилмасин!”, 2022 йил 7 январда “Оила мустаҳкамлиги – жамият фаровонлиги”, 2021 йил 4 июлда “Фарзанд тарбияси, ёшларнинг илм-маърифатга эътиборини қаратиш”, 2022 йил 10 июнда “Оилавий ажримлар – жамият заволи” мавзуларда жума мавъизалари ўқилди. Ушбу мавъизаларда имомлар томонидан дастлаб совет даври танқид қилиниб, мустақиллик йилларида кенг имкониятлар яратилганлиги олқишланади. Сўнгра оила жамият ва инсоният келажаги учун муҳимлиги ислом манбалари асосида шарҳланди. Жумладан, 2022 йил 7 январда «Оилавий ажримлар – жамият заволи» мавзусида ўқилган жума мавъизада исломда оила қуриш шарт эканлиги ҳақида маълумот берилди. Чунончи, диний манбаларга асосланган ҳолда ҳар бир вояга етган мусулмон ўғил-қиз жуфтлашиб, оила бўлиб яшаши никоҳ орқали амалга ошади, деб таъкидланди. Имомнинг фикрича, никоҳ маросими учун қилинадиган харажатлар билан бирга кейинги оилавий бюджетни эркак киши зиммасига олиши керак. Хусусан, мусулмон эр киши аёли учун нафақа ва маҳр бериши, озиқ овқат, кийим ҳамда турар-жой билан таъминлаши керак. Қолаверса, улар никоҳ ва бошқа туркум оилавий маросимлардаги харажатларнинг аксарияти ислом дини билан боғлиқ эмаслигига урғу беради ҳамда улар миллий нуқсонлар деб, танқид қилинади.

Имомлар ўзлари оила эркакнинг барча харажатлар учун масъул эканлиги ва оила бошлиғи бўлиши ҳақидаги фикрларга исбот сифатида “Нисо” сураси, 34-оятдаги “Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) коим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларни айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир” деган жумлани келтиради (Қуръони карим, 2018:83). Эътиборли жиҳати шундаки, кейинги вақтларда жума мавъизаларида имомлар томонидан нафақат диний манбалар балки илмий манбалар ва бирга статистик материаллардан ҳам кенг фойдаланиш оммалашмоқда.

Умуман олганда, юртимизда ўқилган жума мавъизаларида имомлар томонидан асосан, қуйидаги манбаларга асосланади.

Қуръон ва ҳадислар. Мусулмонлар учун никоҳнинг мажбурийлигини Қуръони каримнинг

“Нисо” ва “Рум” суралари асосида асосланади. Исломда никоҳ бу барака ва пайғамбарнинг суннати эканлигига урғу берилади ҳамда ким имкони бўлиб оила қурмаса, у биздан эмас деб айтилган фикрлар кўп бора таъкидланади. Ушбу фикрлар орқали ёшларни оила қуришга қаратилган ўзига хос даъватни кўриш мумкин.

Диний адабиётлар. Ўзбек имомлари орасида оила-никоҳ масаласида жума мавъизаларида турли даврларда яшаган ҳанафий уламоларнинг оила ҳақидаги асарларига мурожаат қилиш, хусусан, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг *“Бахтиёр оила”* китобидан иқтибос келтириш оммалашган (*Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, 2022:528*).

Ахборотчиларнинг фикрича, никоҳда қиз томонга солиқ солиш керак эмас. Тўйларни исрофсиз тарзда исломий тарзда ўтказиш керак. Исломда тўйдан мақсад – аввало, ўқилган никоҳни элга маълум қилиш керак, уни бутун шаҳарга овоза қилиш шарт эмас. Лекин, ўзбек жамиятида никоҳ маросими учун қиз томон кўп харажатларни қилиши, хусусан, келин-куёв учун бериладиган хоналарни мебель, гилам, парда ва бошқа жиҳозлар билан тўлдириши сеп-сарполар, куёвнинг қариндошлари учун алоҳида кийимлар қилиниши исломда қайд қилинмаган одатлардир. Қолаверса, йигитлар томонидан аёлининг ота-онаси қилган турли кийим (устки ва ички)ларни кийиши, қайнота-қайнотаси томонидан қилинган турли мебеллардан фойдаланиши уларнинг эрлик ориятига мос эмаслигига алоҳида урғу берилди.

Хуллас, айнан сўнгги беш йилда жума намозларида ёшларнинг иштироки ошганлиги ва оилавий маросимлар харажатлари борасида кўплаб мавъизалар қилингани боис ҳам оилавий маросимлар, хусусан, никоҳ тўйи харажатларида ўзгаришлар юз бериб, сўнгги йилларда қиз томон харажатлари бирмунча қисқарганлигини кузатиш мумкин. Кузатишларга кўра, айнан имомлар томонидан қилинган мавъизалар туфайли кейинги йилларда ёш оилалар учун ётоқхона ва уй мебеллари, маиший техника буюмларини асосан, куёв томон қилмоқда, шунингдек, никоҳ тўйларида сеп қилиш жараёнлари ихчамлашди. Қолаверса, жума мавъизалари ва ёшларнинг исломий билимларни эгаллашлари сабабли никоҳдан сўнг фарзанд туғилганда ақиқа тўйи ўтказиш ҳамда никоҳда келин учун маҳр бериш одатлари оммалашмоқда. Лекин, бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш керакки, бугунги кунда маҳр сифатида бўлғуси келин учун

қимматбаҳо тақинчоқлар, машина ва уй бериш, ақиқа тўйини ҳам ортикча харажатлар қилган ҳолда ўтказиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Ўзбекистонда оилавий маросимлардаги харажатлар борасида диний қарашларни таҳлил қилишда иккинчи манба сифатида Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг Fatvo.uz расмий канали материаллари ўрганилди.

Маълумки, Ўзбекистон мусулмон идораси оилавий масалаларда халқ билан яқин алоқада бўлиш мақсадида махсус www.old.muslim.uz веб-саҳифаси ва Telegramm ҳамда Facebook ижтимоий тармоқларида Fatvo.uz каналини ташкил қилинган. Fatvo.uz телеграммдаги каналига 2019 йил 19 январда асос солинган бўлиб, унда дин ва ҳаётга оид саволларнинг онлайн муҳокамаси олиб борилади. Ҳозирда (2023 йил 18 сентябрь) каналнинг 118952 та доимий обуначиси бор. Канал орқали 2019 йилдан то 2023 йил 18 сентябрга қадар жами 3019 та саволлар берилган бўлиб, шундай 355 таси оилавий масала, 77 таси никоҳ тўйи билан боғлиқ савол-жавоблардан иборат бўлди. Хусусан, никоҳ тўйи харажатлари борасида: *“Мен суннатга мувофиқ тўй қилмоқчиман, лекин жуда оддий бўлишини истайман. Суннатга мувофиқ тўй қандай бўлади?”* деб берилган 658-саволга *“Кўпчилик жамиятларда, ҳатто, мусулмон бўлмаган халқларда ҳам тўйни эр тараф қилади. Агар “Никоҳ тўйини келин тараф қилиши керак” деган гап айтилса, уларнинг ҳуши бошидан учиб кетиши турган гап. Айниқса, “Ош қиз тарафда бўлади. Куёв тараф, ҳолига қараб, келин тараф қилган тўй ошига икки юз элликтагача, баъзида ундан ҳам кўпроқ одам олиб келади. Агар келин тараф уларни яхшироқ кутиб олмаса, балога қолади”, дейилса, мутлақо ишонишмайди. Ҳа, шариат кўрсатмасига амал қилмаслик оқибатда инсон табиатида тўғри келмайдиган ана шундай нарсаларни қилишгача олиб боради”,* деб жавоб берилган. Ушбу саволга жавоб асносида исбот тарзида *пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ўша вақтнинг имкониятидан келиб чиқиб, ўзлари никоҳ тўйи қилганлар ва барча эркак саҳобаларга никоҳ тўйи қилишни буюрганлар*” деб жавоб берилган.

Шунингдек, кейинги ўринларда *“Нима учун никоҳ тўйи қилиш эркакка юклатилган?”* деган масалага ҳам тўхталиб ўтилган бўлиб, “Аввало, эркакка эркак бўлганлиги учун никоҳ тўйи қилиш юклатилган. Зотан, янги қурилган оила унинг номидаги оила бўлади. Мазкур оиланинг бошлиғи айнан эркак бўлади. Хотини қилиб берган тўй эркакка шараф эмас, ор-номус бўлади. Иккинчидан, бир қиз

ота-онадан туғилиб, уларнинг тарбиясини кўриб, энди вояга етганда, улар ва бошқа оила аъзоларини ташлаб, бошқа тарафга ёлғиз ўзи бориб, янги оилага аъзо бўлишга рози бўлишининг ўзи куёв ҳамда унинг оиласи учун шарафдир. Бу билан, куёв ва унинг оиласининг жамиятдаги обрўси ошади, бунга эса, айнан келин сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам куёв тараф келиннинг шарафига тўй беради, деб жавоб берилган.

Fatvo.uz телеграмм канали орқали берилган савол-жавоблар таҳлилидан шуни кўриш мумкинки, Янги Ўзбекистонда Республика Мусулмонлар идорасининг расмий фатво маркази томонидан тўй ва маросимларни ихчамлаштириш ҳамда маросимлар учун сарфланадиган харажатларни камайтириш, бу ўринда, инсонлар меъёри билиш ва доимий равишда исломий тартибларга амал қилиши, киз томон харажатларини камайтириш ҳамда куёв томони тўй учун харажатларни зиммасига олишга қаратилган қарашларга асосий эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин.

ХУЛОСА

Асрлар давомида ўзбек жамияти анъанавий жамият бўлганлиги боис ислом дини ва маросимлар доим халқимиз ҳаётининг ажралмас бир қисми бўлиб келган. Айниқса, сўнгги йилларда юртимизда ҳукуматнинг ислом дини ҳамда диний қадриятлар борасида олиб борган либерал сиёсати, юртимизнинг дунёга очилиши, диний таълим ва нашрларнинг кўпайиши, медресалардаги эркинлик туфайли оилавий маросимлар тизимида ҳам ўзгаришлар юз берди. Айниқса, имомларнинг жума мавъизалари, турли давраларда ўтказиладиган йиғинлар, хусусан медресалар, турли сайтлар ва ижтимоий тармоқлар (telegramm, facebook, instagram) орқали ислом ҳамда шариат асосларини кенг муҳокама қилиниши билан бирга оилавий маросимларни ихчамлаштириш, ортқча сарф-харажатларни қисқартириш борасида фаол тарғибот ишлари натижасида тўй маросимларимиздаги айрим урф-одатлар маълум маънода қисқарди. Айниқса, янги оилани қуришда киз томондан қилинадиган харажатлар, хусусан, мебель, сарпо, тоғоралар куёв томон зиммасига ўтди ёки буткул воз кечилди. Натижада, ўзбек мақолида айтилган “Қизи борга қирқ йил тегма” деган мақол бугунги кунда долзарблигини йўқотди.

Энг муҳими, сўнгги йилларда ўзбекларнинг янги оилани қуриш, никоҳ ҳақидаги тушунчалари, никоҳ ёши, оиладаги вазифалар, маросим харажатлари

борасидаги қарашлар жиддий эврилишларга учради. Ҳозирда янги оила қуришдан аввал ёшларнинг билим олиш, касб эгаллашига катта эътибор қаратилмоқда. Бу ҳолат эса ўз навбатида миллат генофонди ва ёш авлод тарбияси учун муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абашин С. Н. (1999) Калым и махр в Средней Азии: о «границах» в социальных отношениях / Человек и право. Материалы летней школы по юридической антропологии (г. Звенигород, 22–29 мая 1999 год). – М. : Стратегия, 1999. – С. 158 – 164.
2. Абашин С.Н. (1999) Вопросы “здоровому смыслу”? (К вопросу о “рациональности / иррациональности” ритуальных расходов в Средней Азии) // Вестник Евразии. – 1999. – № 1 – 2. – С. 87 – 107.
3. Абдуллаев У. С. (1991) Традиционное и новое, общее и особенное в современной свадебной обрядности народов Ферганской долины / Узбекистан : границы истории. – Ташкент, 1991.
4. Абрамзон С. М. (1968) О пережитках ранних форм брака у киргизов / История, археология и этнография Средней Азии. – Москва, 1968. – С. 280 – 286.
5. Аргынбаев Х. А. (1974) Свадьба и свадебные обряды казахов в прошлом и настоящем. / Советская этнография 1974. – №6. – С. 69 – 76.
6. Аргынбаев Х. А. (1993) Семья и брак у казахов. – Алма-Ата : Казахстан, 1993.
7. Бикжанова М. А. (1959) Семья в колхозах Узбекистана (на материалах колхозов Наманганской области). – Ташкент : Фан, 1959.
8. Васильева Г. П. (1954). Туркмены–нохурли // Средазиатский этнографический сборник. – Москва, 1954. – Т. 1. – С. 172 – 188.
9. Джикиев А. (1963) Свадебные обряды у туркмен-сарыков в конце XIX – начале XX века. – Ашхабад, 1963. – С. 152 – 153.
10. Джумагулов А. (1960) Семья и брак киргизов Чуйской долины. – Фрунзе, 1960.
11. Жабборов И. (1994) Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент : Ўқитувчи, 1994.
12. Жуманазаров Э. (1999) Қирғиз ва ўзбекларнинг никоҳ удумлари тарихидан (XIX аср охири – XX аср) // Ўзбекистон тарихи. – 1999. – Б. 50 – 53.
13. Ишанкулов Х. Г. (1972). Брак и свадьба у населения Ходжента в новое время (конец XIX – начале XX вв.). – Душанбе : Дониш, 1972.
14. Карлыбаев М.А. (2021). К истории ислама у каракалпаков: исторические, социальные, этнические и генеалогические контексты. – Нукус : Илим, 2021. – 274 с.
15. Кисляков Н. (1967) Некоторые брачные церемонии у народов Средней Азии и проблемы материнского

- рода // МКАЭН. – Москва, 1967. – Вып. VII; Т. 4. – С. 239 – 244.
16. Кисляков Н. (1968). Сохранения экзогамных норм у народов Средней Азии и Казахстана в конце XIX – в начале XX вв. / История, археология и этнография Средней Азии. – Москва : Наука, 1968. – С. 291 – 300.
 17. Кисляков Н. А. (1959) Семья и брак у таджиков. – Москва – Ленинград : Наука, 1959.
 18. Кубаков К. К. (1972) История развития узбекской семьи / Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Ташкент, 1972. – С. 119 – 127.
 19. Лобачева Н. П. (1971) Различные обрядовые комплексы в свадебном церемониале народов Средней Азии и Казахстана. – Москва : Наука, 1971.
 20. Лобачева Н. П. (1975) Формирования новой обрядности узбеков. – М., 1975. – С. 45 – 68.
 21. Лобачева Н. П. (1960) Свадебный обряд Хорезмских узбеков / Крат. сообщ. ин-та. Этнография – Москва, 1960. – Вып. 34. – С. 43 – 45.
 22. Лобачева Н.П. (1985). Хивинская свадьба / Этнография Таджикистана. – Душанбе, 1985. – С. 43.
 23. Махмудхўжа Бехбудий (1915). Бизни кемиргувчи иллатлар. // “Ойна” журналы. –1915. – 13-сон, 338 — 342-б.
 24. Отамирзаева У. (1988) Янги урф-одатлар. – Тошкент : Фан, 1988.
 25. Сейка Вазаки (2019) 旧ソ連ムスリムの結婚と離婚 — ウズベキスタンの例」長沢栄治監、森田豊子・小野仁美編『イスラーム・ジェンダー・スタディーズ1 結婚と離婚』東京：明石書店、—pp.83-107.
 26. Суфиев У. (1991) Традиции и инновации в свадебных обычаях и обрядов таджиков долины р. Сох. / Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Л., 1991; Бекмуротова А. Т.(1967) Семейно-бытовой уклад каракалпаков в прошлом и задача преодоления его вредных пережитков. / Автореф. дисс.. канд. ист. наук. – М., 1967.
 27. Сухарева О. А. (1928) Некоторые вопросы брака и свадебные обряды у таджиков кишлака Шахристана / Сборник научного кружка при восточном факультете СамГУ. – Ташкент, 1928. Вып. 1. – С. 72 – 79.
 28. Сухарева О. А. (1940). Свадебные обряды таджиков г. Самарканда и некоторых других районов Средней Азии // Советская этнография – 1940. – № 3. – С. 173 – 176.
 29. Сухарева О. А. (1978) Традиции семейно-родственных браков у народов Средней Азии и Казахстана / Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. – Москва, 1978. – С. 192 – 200.
 30. Сухарева О. А., Бикжанова М. А. (1955) Прошлое и настоящее селения Айкыран. – Ташкент : Фан, 1955.
 31. Ташбаева Т. Х., Савуров М. Д. (1989) Новое и традиционное в быту сельской семьи узбеков. – Ташкент : Фан, 1989.
 32. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Бахтиёр оила. Тошкент : Hilol-Nashr, 2022. – 528 б.
 33. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг қўшма қарори. (URL : <https://lex.uz/uz/docs/5153833>).
 34. Чўлпон. Ватанимиз Туркистонда зироат ва дехкончилик // Садоий Фарғона (30-май, 1914). – 1914.
 35. Янги турмуш – янги анъаналар (1973) // Тўплам. – Тошкент : Ўзбекистон, 1973.
 36. Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. // Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. – Тошкент : Hilol nashr, 2018. – 628 б.
 37. URL : <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/zhumamav-izalari/item/9895-17-08-2018-j-t-jlarimiz-a-ida-jlarimiz>
 38. URL : <https://xabar.uz/jamiyat/juma-namozlariga-ruxsat-berilmoqda>

REFERENCES

1. Abashin S. N. (1999) Kalim i maxr v Sredney Azii: o «granisax» v sosal'nix otnosheniyax / Chelovek i pravo. Materiali letney shkoli po yuridicheskoy antropologii (g. Zvenigorod, 22–29 maya 1999 god). – M. : Strategiya, 1999. – S. 158 – 164.
2. Abashin S.N. (1999) Voprosi “zdravomu smislu”? (K voprosu o “rasional’nosti / irrasional’nosti” ritual’nix rasxodov v Sredney Azii) // Vestnik Yevrazii. – 1999. – № 1 – 2. – S. 87 – 107.
3. Abdullaev U. S. (1991) Tradisionnoe i novoe, obshee i osobennoe v sovremennoy svadebnoy obryadnosti narodov Ferganskoy dolini / Uzbekistan : tranisi istorii. – Tashkent, 1991.
4. Abramzon S. M. (1968) O perejtkax rannix form braka u kirgizov / Istoriya, arxeologiya i etnografiya Sredney Azii. – Moskva, 1968. – S. 280 – 286.
5. Arginbaev X. A. (1974) Svad’ba i svadebnie obryadi kazaxov v proshlom i nastoyashem. / Sovetskaya etnografiya 1974. – №6. – S. 69 – 76.
6. Arginbaev X. A. (1993) Sem’ya i brak u kazaxov. – Alma-Ata : Kazaxstan, 1993.
7. Bikjanova M. A. (1959) Sem’ya v kolxozax Uzbekistana (na materialax kolxozov Namanganskoy oblasti). – Tashkent : Fan, 1959.
8. Vasil’eva G. P. (1954). Turkmeni–noxurli // Sredeaziatskiy etnograficheskiy sbornik. – Moskva, 1954. – T. 1. – S. 172 – 188.
9. Djikiev A. (1963) Svadebnie obryadi u turkmen-sarikov v konse XIX – nachale XX veka. – Ashxabad, 1963. – S. 152 – 153.
10. Djumagulov A. (1960) Sem’ya i brak kirgizov Chuyskoy dolini. – Frunze, 1960.
11. Jabborov I. (1994) O‘zbek xalqi etnografiyasi. – Toshkent : O‘qituvchi, 1994.
12. Jumanazarov E. (1999) Qirg‘iz va o‘zbeklarning nikoh udumlari tarixidan (XIX asr oxiri – XX asr) // O‘zbekiston tarixi. – 1999. – B. 50 – 53.

13. Ishankulov X. G. (1972). Brak i svad'ba u naseleniya Xodjenta v novoe vremya (konse XIX – nachale XX vv.). – Dushanbe : Donish, 1972.
14. Karlibaev M.A. (2021). K istorii islama u karakalpakov: istoricheskie, sosial'nie, etnicheskie i genealogicheskie konteksti. – Nukus : Ilim, 2021. – 274 s.
15. Kislyakov N. (1967) Nekotorie brachnie seremonii u narodov Sredney Azii i problemi materinskogo roda // MKAEN. – Moskva, 1967. – Vip. VII; T. 4. – S. 239 – 244.
16. Kislyakov N. (1968). Soxraneniya ekzogamnix norm u narodov Sredney Azii i Kazaxstana v konse XIX – v nachale XX vv. / Istoriya, arxeologiya i etnografiya Sredney Azii. – Moskva : Nauka, 1968. – S. 291 – 300.
17. Kislyakov N. A. (1959) Sem'ya i brak u tadjikov. – Moskva – Leningrad : Nauka, 1959.
18. Kubakov K. K. (1972) Istoriya razvitiya uzbekskoy sem'i / Etnograficheskoe izuchenie bita i kul'turi uzbekov. – Tashkent, 1972. – S. 119 – 127.
19. Lobacheva N. P. (1971) Razlichnie obryadovie kom-pleksi v svadebnom seremoniale narodov Sredney Azii i Kazaxstana. – Moskva : Nauka, 1971.
20. Lobacheva N. P. (1975) Formirovaniya novoy obryadnosti uzbekov. – M., 1975. – S. 45 – 68.
21. Lobacheva N. P. (1960) Svadebniy obryad Xorezmskix uzbekov / Krat. soob. in -ta. Etnografiya – Moskva, 1960. – Vip. 34. – S. 43 – 45.
22. Lobacheva N.P. (1985). Xivinskaya svad'ba / Etnografiya Tadjikistana. – Dushanbe, 1985. – S. 43.
23. Maxmudxo'ja Bexbudi (1915). Bizni kemirguvchi illatlar. // "Oyna" jurnali. –1915. – 13-son, 338 — 342-b.
24. Otamirzaeva U. (1988) Yangi urf-odatlar. – Toshkent : Fan, 1988.
25. Seyka Vazaki (2019) The Marriage and Divorce of the Old Continent – pp. 83-107.
26. Sufiev U. (1991) Tradisii i innovasii v svadebnix obichayax i obryadov tadjikov dolini r. Sox. / Avtoref. diss... kand. ist. nauk. – L., 1991; Bekmurotova A. T.(1967) Semeyno-bitovoy uklad karakalpakov v proshlom i zadacha preodoleniya yego vrednix perejtkov. / Avtoref. diss.. kand. ist. nauk. – M., 1967.
27. Suxareva O. A. (1928) Nekotorie voprosi braka i svadebnie obryadi u tadjikov kishlaka Shaxristana / Sbornik nauchnogo krujka pri vostochnom fakul'tete SamGU. – Tashkent, 1928. Vip. 1. – S. 72 – 79.
28. Suxareva O. A. (1940). Svadebnie obryadi tadjikov g. Samarkanda i nekotorig drugix rayonov Sredney Azii // Sovetskaya etnografiya – 1940. – № 3. – S. 173 – 176.
29. Suxareva O. A. (1978) Tradisii semeyno-rodstvennix brakov u narodov Sredney Azii i Kazaxstana / Sem'ya i semeynie obryadi u narodov Sredney Azii i Kazaxstana. – Moskva, 1978. – S. 192 – 200.
30. Suxareva O. A., Bikjanova M. A. (1955) Proshloe i nastoyashee seleniya Aykiran. – Tashkent : Fan, 1955.
31. Tashbaeva T. X., Savurov M. D. (1989) Novoe i tradisionnoe v bitu sel'skoy sem'i uzbekov. – Tashkent : Fan, 1989.
32. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Baxtiyor oila. Toshkent : Hilol-Nashr, 2022. – 528 b.
33. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi kengashi va O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati kengashining qo'shma qarori. (URL : <https://lex.uz/uz/docs/5153833>).
34. Cho'ipon. Vatanimiz Turkistonda ziroat va dehqonchilik // Sadoyi Farg'ona (30-may, 1914). – 1914.
35. Yangi turmush – yangi an'analar (1973) // To'plam. – Toshkent : O'zbekiston, 1973.
36. Qur'oni karim va o'zbek tilidagi ma'nolari tarjimas. // Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. – Toshkent : Hilol nashr, 2018. – 628 b.
37. URL : <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/zhumamav-izalari/item/9895-17-08-2018-j-t-jlarimiz-a-ida-jlarimiz>
38. URL : <https://xabar.uz/jamiyat/juma-namozlariga-ruxsat-berilmoqda>